

МУҲАММАД РАҲМОН

Ғишқ  
дарё

Шеърлар

Ғафур Ғулум номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1979

ББК 84 Уз  
Р 33

Раҳмон Муҳаммад.  
Яшил дарё: Шеърлар. — Т.:  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 С. — 40 б.

Муҳаммад Раҳмон «Мувозанат» (1976), «Момақаймоқ» (1978) шеърӣй тўпламларининг автори, «Яшил дарё» китоби шоирнинг Ватан, Табиат, Инсон, Бахт ва Муҳаббат мавзусидаги теран, лирик-фалсафӣй шеърларидан сараланди.

Раҳман Муҳаммад. Зелёная река. Стихи.

ББК 84 Уз7  
Уз2

Р  $\frac{70403-108}{352 (06)-79}$  51-79 .

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й.

★ ★ ★

Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар  
Бўғзимга тиқилган ҳаяжонимни  
Қутулардим айтиб бир йўла,  
Қийнамасдим бунча жонимни.

Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар  
Турналар ўтганда бошимдан сузиб  
Югурмасдим, йўқ, телба-девона —  
Мен улар ортидан қўлимни чўзиб.

Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар  
Кўзимни узолмай лол қолган чоғлар  
Титратмасди кўксимни ҳайқириқ бўлиб  
Шу пурвиқор тоғлар, шу баланд тоғлар.

Армондай ич-ичдан келар хўрсиниқ:  
Бунчалар юксаксиз, бунча мунаввар.  
Юлдузлар, мен сизга бир сўз айтардим  
Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар.

Тўлғанар ўзанда жоду бир оҳанг,  
Оқар маңгуликдай, бўлмас ҳеч тамом.  
Ҳофиз дарёларим, мени қийнаманг,  
Кезмай соҳилларда бесўз, бекалом.

Оймисан, тун аро бокира, латиф,  
Кунмисан, қаролмай қамашар кўзим.

Гулим, на тараф бор сенга, на таъриф,  
Топиб айтар эдим уни мен ўзим  
Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар.

Малулман, борурман сиғиниб такрор,  
Билмас бу гўзаллик ҳеч интиҳони  
Ва мен бахтиёрман: ҳар кунимда бор  
Ўртаниш, завқланиш, севиш имкони!

\*\*\*

Юлдузлар оқиб келяпти,  
Ой оқиб келяпти қалқиб-қалқиб,  
Салқин-салқин боғлар нафаси,  
Даралардан учган гулдурас  
Оқиб келяпти...

Сув тилига кўчган тош қўшиқлари,  
Исмсиз ўтларнинг бўйлари  
Оқиб келяпти.  
Қаердадир қиз турар  
Соҳилдаги дарахтга суяниб,  
Паришон ўй-хаёллар  
Оқиб келяпти.

Мен шуларнинг ҳаммасини сипқормоқчиман,  
Тумшуғидан отимнинг томчилайди сув,  
Отим бўлса пишқиарар бетоқат:  
— Тўймадингми ҳали ҳам, кеч бўлди...

\*\*\*

Нима гап, шаббода? Тинчликми, қуёш?  
Учрамовдим ҳали бунақасига:  
Келиб қолди қаердан ўжар ва бебош  
Бу майсалар йўл ёқасига?

Нега улар бунча хотиржам, вазмин,  
Ҳавода қамчидек ўйнар мезонлар...  
Ҳозир устларига жонсиз гавдасин .  
Ташлаб юборади хазонлар.

Оҳ, бу ҳавонинг ҳам авзойи ёмон...  
Шоирлар қайдасиз, ошиқлар, келинг.  
Минг йиллик севгингиз бўлмаса ёлғон  
Қўлидан етакланг, бошпана беринг.

Қолиб кетмасин, йўқ, хазон остида,  
Заиф жуссасини эзвормасин қор.  
...Нақ куз билан қиш ўртасида  
Боладек адашиб юрибди баҳор!

★ ★ ★

Мен энди сезяпман,  
Тасодиф эмас  
Қўл-оёқсиз, ўжар чўққигир —  
Чирмовуқгулларнинг тунлар арқондан  
Юқорига ўрмалагани.  
Забт этиб уйларни қаватма-қават  
Балконлардан ичкарига мўралагани...

Мен энди сезяпман,  
Тасодиф эмас  
Муздек бетон деворлар аро  
Қафасларда саъваларнинг,  
Тўтиларнинг, беданаларнинг  
Пайдо бўлгани.  
Тасодифмас уларнинг субҳи содиқда  
Ҳаволарга рациялардай  
Гоҳ узуқ, гоҳ чўзиқ товушлар отгани...

Мен энди сезяпман,  
Тасодиф эмас  
Идорада гулибеорнинг  
Девордаги тувакдан ўзини ташлаб  
Елкам узра боққани қоғозларимга...

Мен энди сезяпман,  
Йўқ, улар шунчаки гул эмас.

Қуш эмас,  
Уйимизга, ўйларимизга  
Билдирмай, сездирмай суқилиб кирган  
Табиатнинг уста «айғоқчилари»  
Интиқом яқин!  
Қайлардадир тоғлар ортида  
Асабий чайқалмоқда адл-адл дарахтлар  
Зангори қўшин.  
Улар фармон кутмоқда!  
Бошла! Бошла юришингни ТАБИАТИ



\* \* \*

*Омондурди Аннадурдиевдан*

Баҳор бўлиб ётарлар  
Баҳор янглиғ йигитлар  
Қаро ернинг остида.  
Қаро ерга ҳам баҳор  
Керак экан аслида!

Осмон бўлиб ётарлар  
Осмон янглиғ йигитлар  
Қаро ернинг остида.  
Қаро ерга ҳам осмон  
Керак экан аслида!

Қўшиқ бўлиб ётарлар  
Қўшиқ янглиғ йигитлар  
Қаро ернинг остида.  
Қаро ерга ҳам қўшиқ  
Керак экан аслида!

## ЮЛДУЗЛАРНИ КҰРА ОЛМАДИК

Юлдузларни кўра олмадик,  
Ширин хаёл сура олмадик.  
Тревога садоси тунлар  
Юлқиб олди тўшакдан бизни  
Кўз ишқалаб ой ёруғида  
Излаганмиз этигимизни.

Шамоллар ҳам бунда ўзгача—  
Гоҳ майиндир, гоҳ тортар уввос.  
Панамани босиб кўзгача  
Қумбўронда қўриқладик пост,  
Юлдузларни кўра олмадик.

—Душман биздан эмасдир йироқ,  
«Ўт очингиз!» —янгради буйруқ.  
Милтиради нишонда чироқ.  
Юлдуз бўлиб учди тунда ўқ,  
Юдузларни кўра олмадик.

Командирдан хайрлашувда  
Бўлди бизга шундайин истак:  
«Биродарлар, осмон кенг жуда  
Аmmo Ерни ўйламоқ керак,  
Юлдузларни кўра олмадик...»

## 4-ВЗВОД

*Лейтенант А. Риковга*

Ухшатмаса — учратмас...  
Халқнинг бу содда  
Нақли тўқилганми бизга атайлаб.  
Йиғилибмиз, қаранг, битта взводда  
Гала хаёлпараст, гала нозик таъб.

Танбеҳ берардингиз: «Бўлманг паришон,  
Тўхтатиб бўлмайди ёвни шеър билан.  
Душманга ўзингиз бўласиз нишон  
Яксон қилмасангиз уни ер билан!»

Маълум эди бизга бу жўн ҳақиқат,  
Аmmo ишонганмиз астойдил бизлар  
Ерда борлигига меҳр-оқибат,  
Ерда борлигига устивор ҳислар.

Билардик, йўлдошлар айланган осмон  
Макондир хокисор юлдузларга ҳам.  
Тургандек ҳаёт ва ўлим ёнма-ён  
Тўпларнинг пойида уйғонар кўклам.

Ҳарбий машқ майдони эсингиздадир,  
Доим кейин чопар яхши от, дерлар.  
Ҳужумга ташланган қанчалар дадил  
Ўзингиз «лапашанг» атаган эрлар.

Жам бўлганда у кун тепада қисм,  
Жангнинг натижасин эшитмоқ учун  
Бир-бир тизилишди улар сафга жим,  
Оёққа тўплашиб энг сўнги кучин.

Елкада терларнинг оқарган шўри,  
Бир илинж бор эди ҳорғин танларда:  
Биз эдик ўша кун рота ғурури,  
Биз томонда катта ғалаба!

Хуш кўрар ҳарбийлар, ҳа, одилликни,  
Сиз—ўғлин кечирган отадай оғир.  
Гуноҳ бўлар эди бу фидоликни  
Беқадр, бесийлов қолдирмоқ ахир.

Билмам, овозингиз нега титради,  
Қолмадими, дейман, сизда ихтиёр:  
— Бўлса агар кимнинг қандай наряди,  
Ҳамма... ҳаммасини... қиламан... бекор!

## О И Б Е К

Бўлолса ҳам қалбингга тилмоч,  
Қўл—қўл экан, кўз ҳам кўз экан.  
Яшар кимдир лутфингга муҳтож,  
Сўз ҳам асли ризқу рўз экан.

Изҳор истар муҳаббат, меҳр,  
Изҳор истар мандан бу юрак.  
Иссиқ нондек уларни ҳозир  
Сизга узиб беришим керак.

Кўзларимда унсиз бир нидо,  
Ҳаяжонлар жоним қасдида.  
Ултирибман тилимдан жудо  
Бўғриққан қалб рўпарасида.

Менда қолди ҳаққингиз, дўстлар,  
Рози бўлинг, дўстларим, энди.  
Ёнаяпти ичимда сўзлар,  
Димоғимда куйган нон ҳиди!..

## СОБИР РАҲИМОВГА ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИГА

Еиз ўлсак ҳам  
Жисмимиз ҳар хил  
Пухта ишларда,  
Пороходда,  
мисрада  
гавдаланар,  
жонланар.

В. Маяковский.

Ҳарбийча қутламоққа чоғлар эдим овозим  
Гурс-гурс одим отаркан хиёбон йўлагиди.  
Дуч келгандай «Нетте»га бир чаптаст устозим  
Раҳимовни учратдим мен шахрим бўлагиди.  
Данциг жароҳатлари гўё тамом тузалиб  
Бир район сиймосида бўлганди у намоён.  
Гарчи ҳаққи бўлса ҳам ётмоқликка узалиб  
Ишлар эди генерал — фидойи, жасур ҳамон.  
— Қара,— дерди юзидан терларини сидириб,—  
Қара, асли меҳнатга мойил менинг қўлларим.  
Топгунимча ва лекин дастгоҳимни қидириб  
Жанггоҳларга тушди, ҳа, неча марта йўлларим.  
Ҳалоскорин фарқ этар чўкаётган ношуд гоҳ,  
Ўлимга маҳкум эрур қароқчи тушган кема.  
Тўпларим биноларни нишонга олганда, оҳ,  
Қулаб тушган гумбурлаб ичимда алланима!  
Бузиш изтиробини, о, ўшанда сезганман,  
Яшар одамзод, ахир, яратай деб, қурай, деб.  
ГСКБда мен бугун лойиҳалар чизяпман.  
Уша орзуларимнинг амалини кўрай деб.  
Иккисин ҳам салмоғи замин учун баробар,  
Камолга бошлар бири, бошлар бири заволга:  
«Тигр»ларни чилпарчин қилганимда, биродар,  
Трактор заводимни келтирганман хаёлга!  
Қўпол кружкаларда ҳўпланмай қолган чойим,  
Назокат, нафосатга ташналигим, эҳтимол.  
Ажабланманг, очилса, жарангидан чиройим —

Ўзим ясаган чинни<sup>1</sup> ўзимни айласа лол.  
Не ажаб, кетардилар муҳандис, олим бўлиб,  
Толиблик партасидан қилмаса уруш жудо.  
Маълумоти бир умр тўлиқсиз олий бўлиб  
Қолган олийқалбларим, ўлмагайсиз мутлақо!  
Синовлар пайти... ана, бўлса ҳамки тун ярим  
Қолиб кетар талаба китоблар орасида.  
Тинглаяпман, қалбингиз зарбини, шунқорларим,  
Талабалар шаҳрининг ҳар бир фуқаросида!  
Университет пештоқи бир зиёдан мунаввар,  
Бизнинг нигоҳимиз, у, чироқ бўлиб порлаган.  
Қорақамиш мавзеда айланган тўп-тўп каптар  
Руҳимиздир, сизни ҳам юксакларга чорлаган.  
Бахмал соҳилларида яйрардим тўйиб-тўйиб,  
Болалик ўйинларим чиқар эди авжига.  
Қароқларим, босгани сизни бағримга суюб  
Сингиб кетдим мен бугун Қайковуснинг мавжига.  
...Шаҳрим энтикар эди Раҳимов дардин айта,  
Қайдадир гувлаган сой—кўксидаги эҳтирос.  
Мен ундан фазилатлар топардим қайта-қайта  
Қаттиқўл лашкарбоши, меҳрибон инсонга хос.

---

С. Раҳимов районида чинни заводи бор.

## ШОВҚИНЛАР

*Овоз режиссёри Наби Ҳасановга*

Камон тортавериб чарчади машшоқ,  
Дапчининг қабариб кетди қўллари.  
Шунчалар мушкулми оҳанг кўчирмоқ,  
Наҳотки, қайтадан бошланса бари?..  
Нима гап?  
Оёқда турибди аранг,  
Дирижёр боқади қовоғин осиб.  
Мен-чи, ўлтирибман ожиз ва гаранг  
Бошқарув пультага кўксимни босиб.  
Бугун омад мендан ўгиргандай юз  
Чўқмордай урилар ғазаб мияга:  
Шовқинлар кирмоқда, сурбет, беномус —  
Шовқинлар кирмоқда студияга!  
Осмондан тушарми, ердан чиқар ё,  
Билмайсан, дам кетар, дам келар қайтиб.  
Гўё микрофонни қилишар даъво  
Оҳанглар ичида ивирсиб, дайдиб.  
Гўё элитсаю мени бу куйлар  
Айлансам бир лаҳза ҳам кўр, ҳам карга.  
Санъат ниқобида ёзилса улар  
Мангулик ёрлиғи — плёнкаларга.  
Аммо ҳушёрман ман, ҳушёрман ҳали.  
Ғафлат кўзларимга солганча йўқ тўр.  
Искович ити бўл санъатнинг, майли,  
Ҳайда шовқинларни, сезгиларим, тур!..  
Чопаман! Бош суқиб қанча тешикка  
Шовқинлар йўлини охир топаман:



Қия очиқ қолган огир эшикни  
Ғазаб билан шарақлатиб ёпаман!  
Тамом! Азобларга қўйилади чек,  
Оҳаглар лентага тип-тиник кўчар.  
Худди маҳбусликдан озод бўлгандек  
Машшоқлар ўзини даҳлизга урар.  
Ўртаниб қоламан мен бунда фақат  
Бошқарув пультага босганча бағир.  
Мен сени ўйлайман, сингилжон — санъат,  
«Шовқинлар» бўғмоқда сени ҳам ахир!  
Уйма-уй кезмоқда улар, тўйма-тўй,  
Мингирлаб, чинқириб мисли елвизак.  
На дард бор уларда, на уят, на ўй,  
Нафслари тўйса бас, тўлса бас чўнтак.  
Улар дидларни ҳам топтар, парчалар  
Қўйиб берсак агар ошиб ҳаддидан.  
Туғилган карюрак мухлисваччалар  
Аслида шуларнинг жиноятдан.  
Бетховен ким ўзи? Қим бўлибди Бах.  
Турғун Алимат ким, ким Ориф Ҳотам?  
— Уч-и-и-р! — дейди улар боболарнинг  
Муסיқий арвоҳи — «Шашмақом»ни ҳам!  
Шовқинлар билмаскан ҳаё, шармни,  
То улар кезаркан хавф-хатар бўлиб  
Мен сизга бераман сезгиларимни,  
Майли, санъат учун қолай кар бўлиб!  
Бошқарув пультада ўтирган дўстлар  
Бўлса ҳам даргоҳи марҳаматли, кенг,  
Шовқинлар санъатга аралашмасин!  
Эшикларни ёпинг, қаттиқроқ ёпинг.

\* \* \*

Сени шундай тасвирлаш керак:  
Бўрон нафасини сезган уммондек,  
Чақин олди жимжит осмондек.

Бенажот ётибсан...

...Қўрқиб кутганинг —

Бошланди талваса,

тўлғоқ азоби.

Гўё, вужуднигни тарк этмоқда жон,

Ушлаб қолмоқчисан сен уни гўё

Тишларинг ёстиққа ботиб кетганлар.

Эринг билан баҳам кўргансан

Нонни,

сувни,

қуёш,

ҳавони.

Бироқ эринг ожиз, йўқдир чораси

Чидам, сабот тилашдан бўлак.

Табиат ироданг синамоқ бўлиб

Қолдирган бу дардни ёлғиз ўзингга.

Ёлғиз олишасан ўзинг у билан,

Ҳам ёлғиз енгасан!..

Сени шундай тасвирлаш керак:

Мажолинг етмайди овоз бермоққа,

Ётибсан тўшакда энди жимгина,

Бироқ кўксингдаги нидо ўчмаган,

Илиб кетди уни туғилганидан

Мисоли ҳаётнинг боқий қўшиғи

Ўзинг бунёд этган зурриёт!  
Сени шундай тасвирлаш керак:  
Кўзларингда қатрагина ёш.  
Пешонангда реза-реза тер,  
Ўзинг ҳайрон ўз қудратингга  
Яратиш бахтидан юрибсан учиб.  
Кўзларингга кўринади Ер  
Иўргакланган чақалоқ бўлиб!..  
Сени шундай тасвирлаш керак..

## ПАНТОМИМА УЧУН СЮЖЕТ

Ишонмассан бу гапга, дўстим,  
Гунгларда ҳам забон бўлади.  
Тилим менинг — шу икки қўлим,  
Улар йиғлар, улар кулади.  
Ухшамайсан ёмон одамга,  
Яқинроқ кел, тишлаб олмайман.  
Сигмаяпман бугун оламга,  
Биласанми, севиб қолганман!  
Мана, бундай унинг юзлари...  
Мана, бундай унинг кўзлари...  
Мана, бундай унинг лаблари...  
Эргашаман сояси бўлиб,  
Афсус, менга қиз қиё боқмас.  
Жеркир, кетар устимдан кулиб,  
Балки, унга гунглигим ёқмас.  
Даврасига олгани замон  
Мадҳиялар ўқиб хушторлар  
Бармоқларим додлайди:  
— Ёлгон!  
Алдар сени шакаргуфторлар.  
Бор оламда шундай бир туйғу,  
Тил билан ҳам бўлмайди айтиб.  
Кошки шуни тушунсайди у,  
Ёнгинамга келсайди қайтиб.  
Қалбим билан аллалар эдим,  
Эркаларди кўзларим секин.  
Не ҳам дердим, нима ҳам дердим,

Зорим бору зўрим йўқ лекин.  
Юраверсин у майли мағрур,  
Мен томонга тушмай йўллари.  
Балки, энди васфин бир умр  
Куйлаб ўтар шўрлик қўлларим.  
Балки, сийлар мени ҳам тақдир,  
Бир кун номин айтарман дадил.  
Жон чиқарда қайтармиш, ахир,  
Сўқирга кўз, соқовларга тил!  
Шу тасодиф бўлмаса у кун.  
Ўз «тилим»дан қилмасин жудо —  
Сўнги имо-ишора учун  
Қўлларимга куч берсин худо:  
Мана, бундай унинг юзлари,  
Мана, бундай унинг кўзлари,  
Мана, бундай унинг лаблари...

## ОҚ КАПТАРГА АЙЛАНГАН БОЛА

Рифқат туғма сил эди,  
Ўпкасин совуққа олдириб қайтган  
Фронтчи аскардан,  
Кўзлари очликдан ичига ботган,  
Қишлоқи аёлдан зурриёт —  
Бир ўғил эди!..  
Аввал отаси ўлди,  
Кейин онаси,  
Унга ўн йил хонадон бўлди  
Силлар касалхонаси!  
Босиб панжарага малласоч бошини  
Соғлом ҳаёт уфуриб турган  
Кўчаларга боқарди Рифқат.  
Кўриб тенгқурларин мактаб борганин,  
Шовқин солиб копток тепганин  
Ҳасадда кўп ёнарди Рифқат.  
Бир ўпкаси қолганди унинг  
Жарроҳлик столида.  
Билардики, ҳеч вақт, ҳеч қачон  
Чиқмас ундан олим, чемпион.  
Шундан гоҳо аччиқма-аччиқ  
Ўтказарди вақтин хушликда.  
Беморларни қошига тўплаб  
Нонуштада ёки тушликда  
Латифа сўйларди, куйларди, ўйнарди...  
Каптарга ишқибоз эди у яна  
Зотдор каптарлардан олганди боқиб.

Томоғидан ўтмаган нонни,  
Керак бўлса ҳаттоки жонни  
Берар эди қушларига у!  
Бир кун якун ясагандай ғам-дардларига  
Сўнг бор ҳуштак чалди каптарларига:  
— Каптарларим, алвидо!..  
Қулади Рифқат.  
Бир ҳамшира пиқ-пиқ йиғлади.  
Қололмади уни ўлимдан сақлаб  
Кислород ёстиқлари!  
Эгасиз каптарлар кетдилар бир-бир  
Қасалхона томини тарк этиб.  
Бизлар бўлсак ишонолмасдик  
Рифқатнинг ўлганига,  
Ниналардан,  
Балиқ мойи, авитивазидлардан  
Қутулмоқ бўлганига.  
Оппоқ каптар, оқ каптар бўлиб  
Гўёки у учиб кетганди  
Севган қушлари билан...  
...Гўдаклик ишончим, мендан айрилма,  
Айрилма, таъкидлаб юрай ҳар нафас:  
Рифқат ўлмаган, йўқ, йўқ,  
Оқ каптарга айланган.  
У бориб кўнган бир кун  
Пикассо ҳузурига.  
Ҳеч кимнимас, Рифқатни  
Чизган рассом аслида  
Оппоқ каптар шаклида!  
Нимадандир жонсарақ  
Учиб юрар, ана у.  
Нидо қилар: ўтганлар  
Ўтди, такрор бўлмасин.  
Бу ерда яна бахтсиз  
Рифқатлар туғилмасин!  
Дўстим учиб юрибди...

## ҲАРАКАТ

Талвасада эди талваса,  
Чанг соларди ютоқиб истак:  
Пайти эмас мулоҳазанинг  
Юлиб қолиш керак,  
Олиб қолиш керак!

Тафаккур бир совуқ жилмайди:  
Бўлмасалар бунча ҳам содда,  
Ҳаракат бу асли жилмаслик,  
Собит турмоқ бир эътиқодда!



## КИНОКАМЕРА

*Роман Қармен хотирасига*

Автоматнинг оғирлиги  
3 килограмму 600 грамм,  
Қўл пулемётиники  
6 килограмму 800 грамм,  
Сенинг оғирлигинг, кинокамера,  
Чақирим-чақирим ленталар бўлиб  
Ўқингга ўралган шу улкан дунё,  
Унинг ўзидан ҳам оғир ҳасратларини  
Ҳисобга олмаганда  
2 килограмм,  
Кинокамера!

Ҳақ сўзимиз бўлдинг,  
Ҳушёр, зийрак кўзимиз бўлдинг.  
Қочиб кираверди сенга ярадор дунё  
Экранлардан қичқирмоқ бўлиб.  
Кадр:  
Мадрид фашист этиклари остида;  
Кадр:  
Очликдан шишиб ўлган Ленинград болалари;  
Кадр:  
Мўрилардан тутун бўлиб кўкка ўрлаган умрлар.  
Кадр:  
Қочоқлар,  
Туғилган еридан, элидан жудо.  
Кадр:  
Юзларга урилган милтиқ қўндоқлари,

Ёшланган кўзлар (аччиқ пиёзданмас,  
Заҳар газлардан!)  
Кадр:  
Хиёнат қурбони —  
Чили президентининг сўнгги табассуми...

Автоматнинг оғирлиги  
3 килограмму 600 грамм.  
Қўл пулемётники  
6 килограмму 800 грамм.  
Кинокамера!  
Бугун сенинг оғирлигинг қанча? Билмайман.  
Битта осмон эди гарданида Гераклининг,  
Ерга ботди тиззасигача шўрлик зўриқиб.  
Биз бўлсак кўтариб юрибмиз бугун  
Осиёни,  
Европани,  
Ғарбий ярим шарни  
Осмонни,  
Денгизлари,  
Узун-узун кўчалари,  
Қасрлари, вайроналари,  
Кўз ёшлари,  
Бутун фожналари билан.  
Нафас бўғнади,  
Юздан қон қочар,  
Тиниб кетади кўзлар,  
Соч оқаради! —  
Қулатади бизларни охир  
Дунё бўлиб ўнг елкадан босган камера,  
Мувозанат сақлайлик, десак,  
Чап елкага қўймоқ учун бошқа дунё йўқ!..

## Ш И Ф Т

Қачон ўчакишган эдим у билан?  
Тарихи кўп узун...

Шаклини топмаган эди ҳали бу дунё,  
Янги ростлагандим мен ҳам қаддимни.  
Қоронғи ўрмонда бир-биримизни таниб  
Томоқ дарди билан ҳаракатга тушдик.  
Улкан қўтосларни қулатдик жарга!  
...Норозилик билдирдим бир кун  
Текинтомоқ оқсоқолимизга.

У мени қоронғи ғорга ҳибс этди,  
Маҳрум қилди тотли насибамдан,  
Мусаффо ҳаводан, сувдан, қуёшдан,  
Маҳрум қилди энг муҳими —

озодлигимдан!

Бош айланмас ғорда оч қорнимни чангаллаб  
Илк бора ёлвордим ғойиб қудратга.  
Тингламади арзимни ҳеч ким.  
Фақат гадир-будир гор шифти  
Масхараомуз боқар эди кўзимга.  
Мен Ердан зерикдим уни севишга улгурмасдан,  
Баланд юлдузларга учмоқни айладим хаёл.  
Аммо босиб турар эди елкамдан ҳануз  
Шу лаънати шифт  
Масхаромуз боқиб кўзимга.  
Шунда алам билан унинг юзига  
Чиздим сўнги армонларимни.

Шундай, шундай бошланганди бу кўҳна адоват,  
Мен қайта тугилдим асрлар оша,  
Ўз ҳаққим деб яна талашдим,  
Яна адашдим.

Ҳибс этди мени қабилла бошланғимас...

Синфий душманним энди!

Яна маҳрум бўлдим тотли насибамдан  
Мусаффо ҳаводан, кўклам, қуёшдан,  
Маҳрум бўлдим энг муҳими —

озодлигимдан!

Ёлғиз камерада йўталиб, қон тупуриб  
Чекдим ёлғизликнинг азобларини.

Яна ёш умримни шу лаънати шифт  
Тегирмон тошидай эди беомон.

Олис кечалари чалқанча ётиб

Боқдим шифтнинг совуқ башарасига

Ва англадим:

На оллоси,

На пайғамбари

Мушкулимни этгуси осон:

Ўзим ўчираман ўз қўлим билан

Пешонамга «ёзилгани»ни!

Қуллик занжирларин ташладим узиб,  
Бузиб ташладим мен зах зиндонларни.

Чайилди қуёшнинг шан шуъласига

Шифт остида сарғайган юзим.

Аммо ҳануз безовтаман,

Йўқолган тинчим.

Хотиржам ўлтирмоққа бермайдн ҳуқуқ

Биродарлик бурчим, инсоний бурчим.

Мен кўриб турибман, ҳали заминда

Ўргимчак ин қўйган баланд шифтлар бор

Ва улар остида бекордан-бекор

Чаримоқда не-не умрлар,

Мен кўриб турибман, не-не фақирлар

Хўжасига пишироқда иссиқ-иссиқ нон.  
 Уйга келиб очликдан кейин  
 Шифтга қараб ўзлари беришмоқда жон!  
 «Демократия» сўзин луғатимизга  
 Олиб кирган юнон диёри,  
 Кулади куйлари Микис ўғлингнинг  
 Неча йиллар қамоқхона шифтига урилиб!

Ҳей, бас, етар!  
 Уйларимиз бўйлаб бўлди сизга ўзини,  
 Қуйларимиз бўйлаб бўлди сизга ўзини,  
 Еруғлик истаймиз,  
 Кенглик истаймиз,  
 Чайқалманг энди сиз бошларимизда  
 Дарз кетган, омонат деворлар билан.  
 Эски девор каби қулайсиз бир кун.  
 Феълимиз азалдан ўзи шунақа:  
 Сиғмаймиз ўлчовга, чегараларга!

Улмас руҳим тантанасини  
 Мен кўз-кўз қиламан сизларга бугун.  
 Мени оёқ остида кўрмоқчи бўлган  
 Такаббур олий зотлар, эшитинг,  
 Замину замондан қирмоқчи бўлган  
 Истилочи суллоҳлар, эшитинг,  
 Қонларимни зулукдек сўрмоқчи бўлган  
 Текинтомоқ тўралар, эшитинг,  
 Қаддимни дол қилган хўрликлар,  
   зўрликлар исканжасидан,  
 Қулоғимга итоат дарсини қуймоқчи бўлган  
 Уша манфур шифтлар тагидан  
 Кўтарилдим осмон шифтига қадар!  
 Менинг боқий умримдан сизга етказур дарак  
 Бугун олис юлдузлар билан баҳс қилаётган  
 Йўлдошларнинг «пип-пип» товуши!

## ҲУРРИЯТ

*Любомир Левчевдан*

Ҳуррият,  
Сингилгинам,  
Бугун сенинг туғилган кунинг,  
Сийқа сўзлар нарвони оша  
Қўрқа-писа чираниб  
Урлаяпман мен юқорига.  
Кўзи менда бўлар-ку меҳмонларингнинг:  
«Нима келтирдинг?»  
Қандай четлаб ўтаман мен бу жўн саволни.  
Мен болалар хонасининг бир бурчагига  
Бекинмоқчи эдим  
Буюмдек бесас.  
Танишарди, барибир,  
Акангман, ахир!

Қўримсиз бўлсам ҳам қаршингда  
Мен сендан каттаман.  
Аслида каттадир ҳар кимса сендан,  
Ёшлиқдан ҳам ёшсан ҳаттоки...

Ҳуррият, сингилгинам,  
Сенгадир қалб даъвати жами қаҳрамонларнинг,  
Сен уларнинг ташналигисан,  
Ўт-олов эди боболаримиз,  
Вақтларни йўқ эди «оҳ-воҳ» чекишга.  
Улар замонани покладилар,  
Улар ҳайдадилар бадбўйликни

Сен бешикда тўйиб-тўйиб олмогинг учун нафас.  
Шу боис қошингдан жилмаслигим шарт.

Мен сени атак-чечак қилиб етакладим,  
Мен сенга гаройиб ўйинчоқлар ясадим  
Шеърларимнинг қофияси, орзуларимдан.  
Хаттоки ўзим ҳам даҳшатга тушган  
Нокаслардан сени қилдим ҳимоя.  
Бора-бора мен сени қўйиб юбордим  
Босгин деб ўзинг ҳам мустақил қадам.  
Жон синглим,  
Ҳуррият,  
Сен қушлардек учиб кетдинг мендан йироққа.  
Бугун сенинг туғилган кунинг.  
Мен сенга нима ҳам совға қилардим?  
Кўп ишладим мен,  
Ҳалол ишладим.  
Кўп дўстлар орттирдим,  
Дўстларки содиқ,  
Кўп душман орттирдим,  
Душманки, беаёв, разил...  
Кўзим очилди,  
Хусусан, биламан, бир медал остида  
Беркиниши мумкин қанча жароҳат.  
Яна биламанки, ёлғиз ўзи озод бўлолмас инсон.  
Ҳамма ёки ҳеч ким!

Бугун сенга нима келтирсам экан?!  
Ҳуррият,  
Сингилгинам,  
Бир пиёла муздек сув бергин менга,  
Пешонамдан ўп,  
Токи элтай сўнги манзилгача  
Миномётдек оғир  
Табассумни!

## ЯКШАНБАЛАР

*Умиджонга*

Якшанбалар, аслида, болаларнинг кунидир...  
Чигал формулалардан бош гангиши йўқ унда,  
«Хасис» партадошлардан кўчириш азоби йўқ.  
Навбатдаги иккини қўяр экан муаллим  
Эшитмайсан минг карра тинглаган пўписангни:  
— Қолдираман кузги синовга!..  
...Якшанбалар, аслида, болаларнинг кунидир.  
Ҳуррамлик бор уларда, вақтичоқлик, овуниш,  
Меҳрибон буви, бобо, дада, ойижонларнинг  
Берган ширин ваъдаси: исталган ўйинчоқлар,  
Қисталган уст-бошлар,  
Ширин музқаймоқлару эрталабки сеанслар...  
Якшанбалар, аслида, болаларнинг кунидир!  
...О, сиз бир зайл кечган диққинафас кунларим —  
Менинг якшанбаларим!..  
Интернат ҳисобчиси  
Минғирлар таратганча бадбўй ароқ ҳидини  
Янги кундан зорланар:  
Душанба оғир кун, уф...  
О, у мендан сўрсайди, агар бир бор сўрсайди,  
Қайси кун оғирлигин берардим аниқ айтиб:  
Ҳар шанба кун сўнгида, ҳар якшанба эрталаб  
Келса ота-оналар болаларин олгали,  
Интернатнинг ҳовлиси ҳувиллаб қолганида,  
Кемтик тақдиримизни таниб қолиб ногаҳон  
Бошни қуйи эганда бизлар — етим болалар,  
Бўм-бўш коридорларда оёғимиз садоси



Юрагимизга қўрқув, ваҳима солганида,  
Олиб келса шамоллар қулоққа элас-элас  
Бозор шовқинларию карнай-сурнайлар сасин,  
(Гастролда бўлгандир Тошкентбоевлар, балки)  
Уйқу йўлатмаса-да томоша истаги ҳеч  
Қаттиққўл мураббийдан эшитмайлик деб дашном  
Ётсак тушки ҳордиқда кўзимизни чирт юмиб,  
Айланса бошимизда нуқул аламли ўйлар,  
Ушанда, ўшанда муштга тугилган қўлим:  
— Лаънати якшанбалар, лаънати якшанбалар!..  
Тушимда ҳам қийнаган ўнгимдаги изтироб:  
...Ойи келинг, дада, келинг, сизни жуда соғиндим.  
Истасангиз бир умр майли шунда қоламан.  
Ўжарликин ташлайман, яхши бола бўламан.  
Фақат сиз соғинтирманг, шошинг, келингиз тезроқ,  
Бир кунгина бу ердан мени олиб кетингиз.  
«Душанбада соғ-омон кечикмай келтираман»  
Тилхатни номингиздан ёзиб бераман ўзим.  
Қаранг, цирк чироқлари маржондек порляпти.  
Ҳеч кимнимас, у бизни ўзига чорляпти.  
Нима бўлар сизларсиз тугаб кетса томоша,  
Тезроқ келинг, шошилинг..  
Энтикиб ётоқ ичра кўзимни очарканман  
Яна такрор айтганман алам тўла сўзимни:  
— Лаънати якшанбалар, лаънати якшанбалар!..  
...Талтайтириш келмаган хаёлимга асло, йўқ,  
Тарсаки ҳам туширар бошингни силаган қўл!  
Лекин, болам, бир кунга ўзим ихтиёр билан  
Султонлик ҳуқуқини бағишладим сенга мен.  
Бўсағада турибди сенинг якшанбанг, буюр:  
Сайргами, киногами ё ҳайвонот боғига?  
Буюр, итоат билан қўлларингдан етаклай,  
Сен менинг меҳрга зор болалигимсан, ахир,  
Кел энди ўзим унга бир оталик қилайин!  
Буюр!  
...Якшанбалар, аслида, болаларнинг кунидир.

## БАХТЛИ КҮН ҚАСИДАСИ

*Пабло Нерудадан*

Ижозат этсангиз,  
Бу гал  
Мен бахтиёр бўлсам.  
Иўқ, айтарли  
Ҳеч нарса содир бўлмади,  
Жаннатга ҳам тушмадим.  
Мен, шунчаки, бахтлиман  
Ижод билан бўлганда машғул;  
Юрганимда ҳушёр ва тетик;  
Ухлаётганимда  
Ва нимага қўл урмай  
Шодлик, шодлик келтирар нуқул.  
Олтин ўтлоқ майсаларидан  
Қўпроқдир, эҳтимол, улар бисотимда...  
Танам борлигини сеза бошлайман  
Денгиз  
Гўё улкан белбоғим,  
Замин  
Иссиқ, хушбўй нондай.  
Ҳаво ҳам жаранглар гитара бўлиб.

Ултирибсан мен билан қумда ёнма-ён.  
Сен қўшиқлар айтасан менга  
Қўшиқдирсан сенинг ўзинг ҳам.  
Бутун олам юрагимга жо бўлиб кетди,  
Қани,  
Менга лабларингни бер,

Бахтлиман,  
«Севаман» деганинг учун,  
Қўшилиб кетганидан  
Нафасим нафасларингга,  
Пайпаслаган каби мовий осмонни  
Қўлларингни журъатсиз силаганимдан!

Мен бугун бахтлиман  
Одамлар билан ҳам  
Одамларсиз ҳам.  
Соҳилларда,  
Ўтлоқлар аро  
Ҳар қадамда ва ҳар дақиқа!  
Ҳамма-ҳамма нарса менга қувонч келтирар:  
Замин ҳам,  
Ҳаво ҳам,  
Мовий осмон ҳам,  
Сен ҳам!

## Б И Н А Ф Ш А

Ҳаволарга сочилмоқда  
Оромнжон бир атр.  
Бинафшалар очилмоқда  
Тупроқ ёриб қайдадир.

Очилмоқда титраб-титраб,  
Рангпаргина, нафармон.  
Биз болалар уни излаб  
Боғ кезамиз андармон.

— Бинафшажон, қайдасан, айт,  
Кўрсатақол юзингни.  
Кўмгандирсан балки бу пайт  
Хору хасга ўзингни.

Ҳатлаб-ҳатлаб юргандирсан  
Ариқларни ёқалаб.  
Хилватларда тургандирсан  
Кўзгинангни уқалаб.

Қиргандирсан балки секин,  
Халал бермай тинчгина,  
Баҳоргача ерга кўксин  
Босган тоқлар пинжиги.

Ё биз билан бекинмачоқ  
Ўйнаясан тутдирмай.

Жўнар кимдир тоқати тоқ,  
Сени кутиб ўтирмай.

— Қиш заҳри бор ҳали ерда,  
Ерда, — дер у хўрсиниб,  
— Алданибмиз, ҳали эрта,  
Эрта, — дер у хўрсиниб.

Дўстим, сўниб ҳавасларинг  
Чалинибсан тумовга.  
Бинафшанинг нафаслари  
Урилмоқда димоққа.

Жонсарақдир қалбада ҳислар,  
Яна олға чопамиз.  
Кетаверсин умидсизлар,  
Биз, барибир, топамиз,

Бинафшажон, ўтди баҳор,  
Ўтди ёзлар, ўтди куз.  
Келдим бир кун дунё билан  
Шундай яқин, юзма-юз.

Ишонч менга сабот берди,  
Сабоқ берди тўзимдан.  
Юрагимга кураш кирди,  
Қочди уйқу кўзимдан.

Бинафшажон, бугун яна,  
Туйғулар тирик, зийрак.  
Чорляпсан бизни, ана,  
Бўлиб ёруғ келажак.

Этигимда лойи қат-қат  
Қишнинг шалтоқ йўлларин.

Кетмоқдаман сенга фақат  
Узатганча қўлларим.

Кундан-кунга яқинроқсан,  
Нафасларинг жонимда.  
— Ҳали эрта...  
Кимдир баъзан  
Минғирлайди ёнимда.

Тўхтамаймиз аммо бизлар,  
Яна олға чопамиз.  
Кетаверсин умидсизлар,  
Биз, барибир, топамиз!

## МУНДАРИЖА

«Ҳайратимнинг тили...» . . . . .	3
«Юлдузлар оқиб келяпти...» . . . . .	5
«Нима гап, шаббода?...» . . . . .	6
«Мен энди сезяпман...» . . . . .	7
«Баҳор бўлиб ётарлар...» . . . . .	9
Юлдузларни кўра олмадик . . . . .	10
4-взвод . . . . .	11
Ойбек . . . . .	13
Собир Раҳимовга ва Собир Раҳимов районига . . . . .	14
Шовқинлар . . . . .	16
«Сени шундай тасвирлаш керак...» . . . . .	18
Пантомима учун сюжет . . . . .	20
Оқ каптарга айланган бола . . . . .	22
Ҳаракат . . . . .	24
Кинокамера . . . . .	25
Шифт . . . . .	27
Хуррият . . . . .	30
Якшанбалар . . . . .	32
Бахтли кун қасидаси . . . . .	34
Бинафша . . . . .	36

*На узбекском языке*

Мухаммад Рахман (Рахманов)

## ЗЕЛЕНАЯ РЕКА

Стихи

Редактор Ш. Раҳмонов

Рассом В. Кулинь

Расмлар редактори А. Бобров

Техн. редактор М. Исмоилова

Корректор М. Холматова

ИБ № 613

Босмахонага берилди 16. 01. 79. Босишга рухсат этилди 25. 04. 79.  
Формат 70x90 1/32. Босма л. 1,25. Шартли босма л. 1,46.  
Нашр л. 1,28. Тиражи 5000. Р—08991. Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 141 — 78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонасида  
1-қоғозга босилди. Бекобод, 1979 йил. Заказ № 184. Ғаҳоси 15 т.